

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (10.953)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

МАМЛАКАТИМИЗДА ШУНДАЙ БИР УЛУҒ ВА МУҚАДДАС МАСКАН БОРКИ, БУ БОШҚА ҲЕЧ БИР МАМЛАКАТДА МАВЖУД ЭМАС. БУ — БИЗНИНГ ОНА ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДАГИНА БАРПО ЭТИЛГАН ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН ДЭБ НОМ ОЛГАН МАҲАЛЛАДИР. МАҲАЛЛА — МУҚАДДАС КЎРҒОН, МЕҲРОҚИБАТ МАСКАНИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНАЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗЛАНАДИГАН, КЕКСАЛАРГА ҲУРМАТ, МУҲТОЖЛАРГА КЎМАК БЕРУВЧИ, ЯХШИ-ЁМОН КУНЛАРДА ҲАМДАРД, ҲАМНАФАС БЎЛУВЧИ, АҲОЛИНИ ҲАМЖИҲАТЛИК, ДЎСТЛИК-БИРОДАРЛИККА УНДОВЧИ ҚУДРАТЛИ ОШИЁНДИР.

Ватан ичра кичик бир Ватан

МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ҳар йили Мустақиллигимиз байрами арафасида Маҳалла кун мамлакатимизда кизгин нишонланади. Бу йил ҳам Маҳалла кун олдидан барча туманларда анъанавий байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида қарнай-сурнай наволари билан бошланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури талабларини бажариш ҳамда Маҳалла кун олдидан ўтказилган туман байрам тадбирига шайхонтохурлик маҳаллалар аҳли ҳамда фаоллар йиғилиши. Тадбирда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Раҳимжон Нодиров сўзга чиқиб йиғилганларни байрам билан қутлар экан, мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳаллаларга юксак эътибор қаратаётганини, маҳаллалар янада обод ва кўркам бўлиб, меҳроқибат масканига айланаётганини, оилалар тотувлиги, фаровонлигини таъминлаш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг Шайхонтохур тумани маҳаллаларида ташкил этилган амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган, жумладан ободонлаштириш, кўчаларни ямғирлаштириш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий уй-жой мулкдорларига амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар осойишталигини таъмин-

лаш, ёшларни қомил инсонлар қилиб тарбиялаш борасида мактаб ва тегишли идораларга кўмаклашида ижобий натижаларга эришаётган маҳаллалар фаолларини аниқлаш ва уларнинг иш натижаларини кенг оммалаштириш ҳамда ғолиб маҳаллалар ва фаолларни тақдирлаш мақсадида Шайхонтохур тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси ва хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бўлими, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Қамолот» ЁИХ, Мудо-фаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида июнь-июль ойларида кўрик-танлов ўтказилган эди. Байрам тадбирида «Энг намунали маҳалла», «Энг обод маҳалла», «Энг намунали маҳалла диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Маҳалланинг энг ибратли хотин-қизлар комиссияси раисаси», «Энг намунали «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси», «Энг намунали «Маҳалла посбони», «Жамоат тузилмаси сардори», «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйган намунали маҳалла раиси», «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Намунали ўнбоши» номинациялари бўйича икки босқичда ўтказилган кўриктанлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

— Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғри-



сида»ги Фармонида таъкидланганидек, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаси жорий этилгач, мени «Самарқанд дарбоза» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинлашди. Мана уч йилдан ортиқ вақт ўтибдики, мен маҳаллам осойишталиги, ободлиги, оилалар тотувлиги йўлида ўзимнинг бор билим ва таърибамни ишга солиб келмоқдаман, — дейди «Самарқанд дарбоза» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддасхон Назарова. — Мана бугун Маҳалла кун байрамида мен ҳам танлов ғолиблари қаторидан ўрин олганидан жудаям бахтиёрман. Келгусида қадрдон маҳаллам, маҳалладошларим қадр-саодати, оилалар фаровонлиги, тинчлиги йўлида доимо қамарбаста бўлишга ҳаракат қиламан. Зеро ақинлашиб келаётган Энг улуг ва энг азиз байрагимиз Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини барчамиз меҳнатда эришган ютуқларимиз ила ёрۇғ юз билан қутиб олишимиз керак.

Шодиёна ва кизгин руҳда ўтган Маҳалла кун байрам тадбирида маҳаллаларнинг таъдирдорлари ва ҳунармандлари томонидан тайёрланган кўргазмалар намоийши кўпчилигини диққатини ўзига тортди. Шунингдек, «Ниҳол» мукофоти номзодлари ва бадий ҳаваскорлик жамоалари ижросида янграган кувнок куй-қушиқлар, шўх рақслар тадбирга ўзгача фойз киритди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Маҳалла кунини нишонлаш бўйича ўтказилган тадбирдан лавҳалар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари! Сиз ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингизда жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган фуқаролар учун катта имкониятлар яратган «Махсус Олимпиада» ҳаракатининг муваффақиятли ривожини таъриқлашга ижозат этгайсиз. Бугунги кунда дунёнинг 162 мамлакатини қамраб олган «Махсус Олимпиада» жорий йил охиригача спорт тадбирлари 2 миллиондан ортиқ спортчини, жумладан Ўзбекистондан 10 минг нафардан ортиқ спортчини жалб қилиш борасида иш олиб бормоқда.

Ушбу хайрли савий-ҳаракатларнинг ажралмас қисми бўлган «Ўзбекистон Махсус Олимпиада»си 2007 йил 11-18 май кунлари Бухорода хорижий делегациялар иштирокида ўтказилган «Иккинчи миллий махсус очиқ олимпиада ўйинлари» ташкилотчиси бўлди. Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Тожикистон, Туркия ва Туркменистоннинг «Махсус Олимпиада»сидан 350 нафардан ортиқ спортчи ушбу спорт мусобақаларида иштирок этди. Ташкилотчилар гайрати ва ўйинларнинг юқори савияда ташкил этилгани меъда катта таассурот қолдирди. Махсус тадбир Ўзбекистонда эълон қилинган Ижтимоий ҳимоя йилининг кенг қўлами ҳамда эришаётган муваффақиятларини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистон «Махсус Олимпиада ҳаракати» Марказий Осий минтақасида етакчи ўринни эгаллаганини ва, шубҳа йўқки, жисмоний ҳамда интеллектуал қобилияти чекланган одамлар учун имконият беришда катта ютуқларга эришганини қайд этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жисмоний ва интеллектуал қобилияти чекланган одамларга кўрсатаётган гамхўрлигиниз ва уларни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга яна бир бор сэмийий миннатдорлик билдиришга рўхсат этгайсиз.

Майкл СМИТ, «Махсус Олимпиада ўйинлари» Евроосий бўлимининг бошқарувчи директори

Қасқа сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги 244-мактаб қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромоҳидининг тўртинчи мавсуми ёпилишига бағишлаб «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Хайр оромгоҳим» деб номланди.
- **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги «Бўстон» маҳалла гузариди маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман ИИБ ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортлари топширилди.
- **ЎТГАН** кунни Ҳамза туман ҳокимлигида туман фаоллари, ҳуқуқшунослар иштирокида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
- **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йилига тўхфа сифатида Учтепа туманидаги «Ўғил» хизмат курсатиш марказида эликдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ИШОНЧЛИ ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА БАЁНОТ ИМЗОЛАНГАНГА БИШ ЙИЛ ТЎЛДИ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди. Аслида, Ўзбекистон билан Японияни унча ҳам ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар деб ҳисоблаш мумкин эди. Токио саммитида бундай муносабатлар ҳужжат асосида расмийлаштирилди. Мазкур ҳужжатда томонлар тен-

глик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мақсадини билдиради. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Ўзбекистон ва Япониянинг халқаро сибёсат масалаларига қарашлари уйғун. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан дунё эътиборини афғон муаммосига қаратиб келади. Япония эса Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишлаб ўтказил-

ган илк халқаро анжуманининг ташаббускорларидан ва мезбони бўлган. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлайди. Япония эса Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Марказий Осийеда ядро қуролидан холи худуд яратиш ва Марказий Осийе умумий бозорини барпо этиш ташаббуслариغا Токиода катта эътибор берилди. Шу тариқа Япония ташки сибёсатида «Ипак йўли дипломатияси» ва «Марказий Осийе + Япония» мулоқот механизми пайдо бўлди. 2002 йили Токиога ташрифининг икки муҳим жиғатига эътибор қаратиш жоиз. Аввало, маҳаллий журналистлар Япония Бош

вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа эканлигини алоҳида таъкидлашди. Бу Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Яъни, стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдор эканлигиндан, икки томонда ҳам алоқаларни худуд оқсак даражага кўтариши учун интилиш ғоят кучли эканлигиндан далолат эди бу. Иккинчидан, Президент Ислам Каримов Император Акихито билан учрашди. Яна маҳаллий журналистларнинг гапини келтирамиз. Таомилга биноан, Император бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга келишидан, ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул

қилмайдди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислам Каримов бу сафар ҳам Император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап: Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан қутиб олади. Ўзбекистон раҳбарига келганда яна истисно бўлди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахсининг Ўзбекистон раҳбарига ғоят сэмий муносабати — музокарадаги очкилик ва сэмийлиги, юртимизга хайрихолиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи ҳурмат қиладиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтироми замирида катта маъно-маъзун муҳимсасам. (Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Марғилонда шаҳарнинг қўллуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бир қатор замонавий ва тарихий иншоотларни фойдаланишга топшириш тадбирлари бўлиб ўтди. «Ёшлик» ёпик сув спорти мажмуаси ҳамда «Адрас» меҳмонхонаси шулар жумласидандир.
- Маълумки, кейинги йили ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган «Баркамол авлод» анъанавий спорт ўйинларининг республика босқичи Қорақалпоғистонда ўтказилади. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ушбу муҳим спорт байрамига тайёргарлик кўриш ва уни батариб тарзда ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан Москва шаҳридаги машҳур асарлар кўргазмаларини ўтказишга ихтисослашган «Со.Ком» замонавий тасвирий санъат галереясида таниқли ижодкор, Ўзбекистон халқ расмони Акмал Нур ижодига бағишланган шахсий кўргазма очилди.
- Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида II миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар вакилларидан иборат 14 та жамоа томошабинларга ўз миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намоийиш этди.
- Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли шоир ва ёзувчилар, зиёлилар иштирокида Навоий вилоятининг шаҳар ва туманларида, таълим-тарбия муассасаларида, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди.
- Жиззах вилоятининг Зомин туманида ўтказилган республика ёш ижодкорларининг 11-анъанавий анжуманида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 39 нафар ёш қаламкаш иштирок этди.
- Бухорода Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг фавуқлода вазиятларга тайёргарлик кўриш ва уларда ҳаракат қилиш дастури асосида волонтер-қўтқарувчиларнинг ўқув машқлари бошланди.

• Пойтахт вилояти, Қибрай туманидаги «Умид гулшани» санаторийсида юрист аёллар ижтимоий бирлашмаси томонидан «Мамлакат хотин-қизлари савий-ҳаракатларини тараққиёт йўлида бирлаштириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Буюк Британия Бош вазири Гордон Браун мамлакат ташқи ишлар вазири раҳмоллигида илк бор расмий ташриф билан АҚШга келди. Брауннинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан музокарада ракетага қарши мудофаа тизими, Косовонинг мақоми, Эроннинг ядро дастури ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

• Японияда юқори палатага ўтказилган сайловларда мамлакат Бош вазири Синдзо Абэ бошчилигидаги бошқарувчи коалиция мағлубиятга учради. Шундай бўлса-да, Бош вазир истеъфога чиқмасдан ўз лавозимида ишни давом эттиришни билдирди.

• АҚШ Конгрессида кўпчиликти ташкил этувчи Демократик партия вакиллари Америка кўшинини Ироқдан олиб чиқиш кетиш ҳақидаги янги Қонун лойиҳасини яна Вакиллар палатасига тақдим этди. Ушбу лойиҳа юзасидан овоз бериш жараёни шу ҳафтада ўтказилади.

• Кеча Толибон жангарилари ўзлари гаровга олган 22 нафар Жанубий корейликларни озод этиш юзасидан янги ва сўнги ультиматум мuddатини эълон қилдилар. Гаровдагиларни бешкиаст озод этиш юзасидан катталик черковининг бошлиғи Бенедикт XVнинг мурожаати ҳам толибонларга қор қилмади. Улар шартлари қабул қилинмаса, гаровдагиларни бирма-бир ҳалок этишларини баён қилдилар.

• Кеча Париж метросида чиққан кичик ёнғин натижасида 35 нафар йўловчи ис газидан заҳарланди. Уларнинг 15 нафари касалхонага ётқизилди.

• Ироқ терма жамоасининг футбол бўйича Осийе чемпионатида галаба қозониши натижасида кеча мамлакат ҳақиқий байрамони тусга кирди. Улкан галаба муносабати билан мамлакат Президенти Жалол Талабоний ҳар бир ўйинчини 10 минг доллардан тақдирлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Шундай қувончли лаҳзаларда ҳам террорчиларнинг кўпуровчилик ҳаракатлари туфайли 7 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Европада жазирама об-ҳаво ҳукм сураётганлиги сабабли давом этаётган кучли ўрмон ёнғинлари Хорватияга ҳам етиб келди. Ҳозир бу ерда 400 гектар майдондаги ёнғинни ўчириш ишларига вертолёт ва самолётлар ҳам жалб этилган.

• Кино оламидаги машҳур фильмлардан бири — Жеймс Бонд ҳақидаги картина яна давом этадиган бўлди. Эндиликда янги фильмда 007 рақамли жосус ролини илк бор таниқли инглиз актёри Даниэл Крейг ўйнайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 31 июль кунни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёнғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

Мамлакатимизда Мустақилликка юз туганимиздан сунг утган салкам он олти йил давомида хукукий давлат ва фуқаролик жамияти куриш концепцияси давлат куриши хамда сиебатининг асосий узагига айланди...

Шу уринда Узбекистон Республикаси Конституциясининг 25 ва 44-моддаларида баён этилган «Хар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукукига эга. Хеч ким қонунга асосланмаган холда хибсага олиниши ёки қамоқда сақланиши мүмкин эмас»...

қамоққа олишда суд томонидан санкция бериш институти мамлакатимиз суд амалиётида муҳим аниглик ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, бу борада ҳали амалий тажрибага эга эмасмиз.

Чунончи, Узбекистон Ташқи ишлар вазириликка саъй-ҳаракати билан БМТ ва унинг минтақавий ташкилотлари, Осиёдаги Хитой, Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезия, Европа Иттифоқи...

қилишга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўрилди. Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад — «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунлар хамда Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш орқали «Қамоққа олишга санкция бериш хукукини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармонида белгилаб берилган...

Шу уринда қайд этиш жоизки, 2001 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Узбекистонда жинорий жазоларнинг либераллаштирилгани, айниқса, Жиноят кодексининг махсус қисмида жиноятлар таснифи ўзгаририлиб, огир ёки ўта огир жиноятлар бор-йўғи 24 фойзга ташкил этгани сабабли прокурорлар томонидан қамоққа олиш туридаги эҳтиёт чорасини қўлш ҳам йилдан йилга камайиб бормоқда...

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛАРИ МУЖАССАМ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАМИЯТНИ ТУЕБДАН АНИГЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНИ, ЯЪНИ КЕНГ КЎЛАМИ ВА САМАРАДОРЛИГИ БИЛАН УЛКАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АХАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Туркманистон, Кирғизистон Республикаси сиебатшунослари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирокида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш» хамда «Қамоққа олишга санкция бериш хукукини судларга ўтказиш» билан боғлиқ Фармонлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишлаб ўтказилган учрашу, брифинг, конференция ва давра суҳбатларида мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган түб демократик ўзгаришлар хорижлик ҳамкорларимиз ва шерикларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилди...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қамоққа олишга санкция бериш ваколлатини судларга ўтказиш билан боғлиқ масалани ҳал этишда катор хорижий давлатлар, жумладан Россия Федерацияси, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг қонунчилиги тажрибалари чуқур ўрганилиб, амалий асосда таҳлил қилинди.

Энг асосийси, улар мамлакатимизда бу масала буйича амалиётда тўпланган тажрибалар билан уйғунаштирилди.

Хорижий мутахассис ва олимларнинг мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан билдирётган бундай эътибор ва хайрихолий жаҳон сиебати майдонида давлатимиз нуфузини янада ошириши шубҳасиз. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг шу хуусудаги Фармони эълон қилинганидан сунг Олий суд ва хуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтган икки ярим йил давомида Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш хамда қамоққа олишга санкция бериш хукукини судларга ўтказиш юзасидан юзга яқин конференциялар, икки юзга яқин семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, ушбу масалалар мутахассислар ва олимлар иштирокида батафсил муҳокама қилинди.

кўлланилган айбланувчиларнинг 26 фойзи (68974 нафар шахсдан 18131 нафари)га нисбатан қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 18,5 фойзга (71149 нафар — 13205 нафар) ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2007 йилнинг биринчи ярим йилда 14 фойзга ташкил этмоқда.

Мазкур Қонун тўртта моддадан иборат бўлиб, биринчи моддаси билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг прокурор ваколлати билан боғлиқ 28-моддасининг олтинчи, саккизинчи, он иккинчи хатбосилари янги тахрирда баён этилмоқда.

Қонуннинг 2-моддаси билан эса «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг химо хукукини таъминлаш ва айбсизлик презумпцияси акс этган 10-модданинг биринчи қисмига ўзгариш киритилиб, «хеч ким суд қаорига асосланмаган холда қамоққа олиниши мүмкин эмас» деган янги учинчи қисм билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, жиноят ишлари буйича туман (шаҳар) судининг ваколлатарига «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш мудатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриш» ҳам кириши белгилаб қўйилмоқда.

ноят-процессуал кодексининг 241-243, 247-моддалари, яъни эҳтиёт чоралари устидан шикоят бериш, қамоққа олиш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниш қўллаш тартиби, қамоқда сақлаб туриш мудатини узайтириш тартиби назарда тутилган тўртта модда янги тахрирда баён этилган. Уларга кўра прокурорнинг ёки прокурор розилиги билан терговчининг гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома туман (шаҳар) суди, округ, худудий харбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўрилади. Суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтказилади. Материаллар судга келиб тушганидан сунг судья уни он соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқади.

Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига биноан шахсини ушлаб туриш муддати 72 соат, яъни он сутка бўлиб, судга фақат прокурор (терговчи прокурор орқали) қамоққа олишга санкция бериш тўғрисидаги қарор билан мурожаат этади. Судда прокурор, агар ишда химоачи қатнашаётган бўлса, адвокат, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирок этади. Зарур холларда судга терговчи чакирилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади. Сунгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, химоачи, судда хозир бўлган бошқа шахсларнинг кўрсатмалари эшитилади, материаллари ўрганиб, судья қамоққа олиш ёки қамоққа олишни рад этиш ёхуд тарафларга яна қўшимча қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган мудатда қўшимча далиллар тақдим этиш имкони берилгани ҳақида ажрим қабул қилади.

Судьянинг ажрим устидан химоачи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи он кун ичидан шу суд орқали юқори судга, яъни Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки Республика харбий судига апелляция тарзида шикоят билиб, прокурор эса протест билан мурожаат қилиши мүмкин. Шикоят берилган ёки протест киритилганда, ишни кўрган суд йигирма тўрт соат ичида материалларни тегишли юқори туровчи судга юбориши керак. Апелляция босқичида протест ёки шикоят он нафар судья томонидан кўриб чиқилади.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУГА БАФИШЛАНИ Д ПОЙТАХТДАГИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН «БОСМА ВА ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИДА МЕДИА-БИЗНЕС АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О. Усаров, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳақимов, Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов хамда манфаатдор ташкилотлар вакиллари, босма ва интернет оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари, маъсул котиблари, маркетинг ва реклама хизмати ходимлари, журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари иштирок этиди.

Ушбу лойиҳа ўз таркибига 21 йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни қамраб олган бўлиб, улар орқали ёшларнинг ёзги таътилини сермазмун, бой таассуротларга эга хамда кўтаринки ружда ўтказиш кўзда тутилган.

МАЪЛУМКИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХАРАКАТИНИНГ «ЁНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИХАСИ ДИЁРИМИЗ БЎЙЛАБ КЕНГ МИҚОСДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

асослари, босма ва интернет нашрларда маркетинг ва реклама тизимини шакллантириш, тахририят фаолиятига ҳамкорларни жалб этиш, хориж тажрибасини миллий матбуотга таъдиқ этиш масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда медиа-бизнес юритишнинг хукукий Ушбу лойиҳа ўз таркибига 21 йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни қамраб олган бўлиб, улар орқали ёшларнинг ёзги таътилини сермазмун, бой таассуротларга эга хамда кўтаринки ружда ўтказиш кўзда тутилган.

МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ — «КАМОЛОТ» БИЛАН!

даги болалар гуруҳларга бўлиниб, ўзларининг ақлий қобилиятларини ўзаро дўстона мусобақалашувда синаб кўридилар.

Шундан сунг, спортга бағишланган бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. «Кувноқ эстафета», шахмат-шашка хамда «Оромгоҳ кубоги» номли футбол мусобақаси ёшлар-да катта қизиқиш уйғотди. Бир сўз билан айтганда, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг «Ёни «Ка-

ИШОНЧЛИ ШЕРИК В СТРАТЕГИК ХАМКО!

(Давоми. Боши 1-бетда). Албатта, бундай эътибор замирида Ўзбекистонга одил, тинчликпарвар сиебати муҳассам. Яна бири-солга мурожаат қилайлик. Иккинчи жаҳон уруши-ларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб-лан кўплаб японлар ўзбек заминидан абадий мм топан. Ўзбекистонда уларнинг хотирасига алда эътибор билан қаралади.

Ўзбекистоннинг сиебати Японияда қандай аксдо бериши мүмкин, Тошкентнинг тутган йўлидан ю қандай манфаат кўради? Аввало, Ўзбекистон Япона учун Марказий Осиё ва МДХдаги бошқа давлатга кўприк вазифасини ўтайди. Минтақамизнинг тай захиралари, меҳнат ресурслари Япония иқтисодини «тебратиб турган» йирик корпорацияларнинг мий эътиборида.

Шу боис Ўзбекистон ва Япония бир-бири тан ҳамкорликни қадрлайди. Яъни, мамлакатларининг стратегик ҳамкор деганда бир ёқлама эмас, иктомламан манфаатдорлик, ҳамжихатлик назардагилади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринар қаторида тан олган. Ўзбекистон истиқлолга эрган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз биланки ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздагени қўламини ислохотларни қўллаб-қувватлаб келди.

Хозир мамлакатимизда ўндан зиёд Ўзбекистон Япония кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташки савдо ташкилотининг (JETRO), «Мицуй-Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «НЭК», «Юта Цусо» каби 22 йирик корпорациянинг ваколлаталари очилган.

Япониянинг Ватаучи мактабидан Ўзбекистонгунгунга ҳаёти, тарихи, маданияти ва аънавалар бағишланган тадбирлар ўтказиш аънанага айган. Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамқида ўзбек ва япон расомлари, жумладан, ёш ижорлар асарларининг кўргазмаси ташкил қилина Фукусима шаҳрида эса «Фукусима-Ўзбекистон» мний-иктисодий ҳамкорлик уюшмаси фаолият юритди.

Мамлакатимиз пойтахтида очилган Япон бстош-кентликлар ва бош кентимиз меҳмонларинингвим-ли истироҳат масканларидан бирига айланга Шунингдек, Тошкентда «Тинчлик кўнгириги» мажл бар-по этилди, «Хиросима тинчлик тоши» ўрнатилди! Ўзбекистонда Япония маданияти кунларини ўтказиш аънанага айлиниб бораётгани ва бу аънана қам-рови йил сайин кенгаётгани, таълим соҳасиди яқин алоқалар хам гуманитар ҳамкорлик жадал ривана-ётганидан далолат беради.

Яқинда эса Ўзбекистон ва Япония хукуклари ўртасида навябтади Алмашув ноталари имзанди. Бу келишув ўзбекистонлик йигирма нафар табанув ўз мутахассислиги буйича Япониянинг нузли университетларида магистратура босқичидахсил олшини кўзда тутуди.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонда изчиллийлан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш мий да-стурини қўллаб-қувватлаб келаётир. Хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лой-ихаси учун грантлар ажратмоқда. Япония уери-стеларга икки юзга яқин талаба ўқишга юблган. Кунчиқар юртда малака оширган мутахассисимиз сони эса миңга яқинлашди. Айниқса, Васед-дағога университетлари билан ҳамкорлик яқши йўлгўйил-ган.

Академик доиралар археологик тадқиқот ўтказишда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жаудан, Далварзинтепани тадқиқ қилиш буйича тузил Ўзбекистон-Япония кўшма экспедицияси катта мифа-қиятларга эришди. Бу ердаги қадимий Будда одат-хонасида чиққан II-III асрларга олд топилма Японияда ўтказилган махсус кўргазмада катта зқиш уйғотди.

Тошкентда Япония маданият маркази, «Ўзбистон-Япония» дўстлик жамияти, Ўзбекистон-Японинсон ресурсларини ривожлантириш маркази олият кўрсатмоқда. Юртдошларимиз уларда тил аниб, компьютер ва бизнесга оид билимини таколлаш-тирмоқда. Ҳа, Ўзбекистон-Япония муносабатлари стражк ше-риклик тамойиллари асосида ривожланмоқда! Мамла-катларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва хурмат-зи то-монлама манфаатдорлик келгусида ҳамкорликни янги марраларини эгаллашга кенг йул очиши шубҳасиз. Анвар БОЕВ, Ўза шарҳчиси



Маиший хизмат

ХУРМАТГА ЛОЙИҚ УСТА КЎЗ ИНСОНЯТГА АТО ЭТИЛГАН БУЮК НЕЪМАТДИР. ЧУНКИ БИЗ У ОРҚАЛИГА ДУНЁНИ КЎРАМИЗ ВА ХИС ҚИЛАМИЗ. АММО ИСТАЙМИЗМИ, ЙЎҚМИ ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН ХАР БИР ИНСОНДА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ СУСАБ БОШЛАЙДИ. Шунинг учун ҳам унинг олди олинмаси ёки ўз вақтида кўз шифокорига мурожаат қилинмаси бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқариши хеч гап эмас.


Шурапта: ўз касбининг мохир устаси Суннатилла Яхёев иш устиди. Усмон Усмонов олган сурат.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Ёшлар — келажагимиз


БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

— 2000 йилда реконструкциядан чиқарилиб, коллеж мақомини олган таълим масканимизда, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директори Толибжон Умаралиев, — жамоамиз замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга таълим бериш, танлаган мутахассислигига кўникама ҳосил қилиш, келгуси ҳаёт йўллари тўғрисида танлаб олишларида муносиб ўрин тутишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда, изланмоқдамиз. Бизда 7 та йўналиш: элеватор, ўн-ёрма ва омухта ем ишлаб чиқариш; бухгалтерия; молия ҳамда компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ҳамда уларнинг дастурий таъминоти бўйича ёшлар ўқиб, хунар эгаллаб, учирма бўлишади. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта



махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда кўплаб бошқа ҳамкорлар кўмагига таянамиз. Ёшларнинг замонавий таълим олишлари учун коллежимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус фан хоналари, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази (49 мингтадан ортик адабиётларга эга) замонавий жиҳозланган. Матнавийат-маърифат хонаси, спорт зали, мажлислар зали, спорт майдони, югуриш йўлаклари, ошхона, буфет ўқувчилар ихтиёрида. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИМИЗ ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТУВЧИ БУНЁДКОРЛАР, УМИД ЧЕКАКЛАРИМИЗДИР. ҲАР ТОМОНЛАМА ЗУККО, БИЛИМЛИ, АНГИЛИККА ЎЧ, ШИЖОАТКОР ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОНО СИЁСАТИ НАТИЖАСИДИР. БАРЧА СОҲАЛАР КАБИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНДАГИ ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА БЎЛГАНИМИЗДА ЯНА БИР БОР КЎРДИК.



кент шаҳар терма командаси аъзоси, спорт устаси. Сўнгги «Баркамол авлод» спорт ўйинларида Бунёд Абдуллаев ва Сухроб Абдуллаевлар миллий кураш бўйича 1-ўринни қўлга киритиб, Тошкент шаҳар терма жамоасига номзод бўлишди. Жумладан, яна бир ўқувчимиз Абдумурод Қаршиев бокс бўйича 2-ўринга лойиқ деб топилди.

Янги ўқув йили учун ҳам консултация маркази режавий иш олиб бормоқда. Айни кунларда шаҳар мактабларидан ўқувчилар еттига йўналиш бўйича сараланиб олинди. Энди навбат вилоят ёшларига. Йил бошидан турли тадбир, учрашув, тарғибот-ташвиқот ишларини ўз ичига қамраб олган фаолияти давомиде марказда (42 та мактабнинг битирувчи ёшлари, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ташриф буюриши) самарали иш олиб борилди. Жумладан, «Очк» ашиқлар кўни», «Касблар фестиваллари», «Касбим — фахрим», «Дон ва нон — муқаддас» мавзуларида уюшқоқлик билан тадбирлар ўтказилди.

Қисқаси, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, малакали мутахассислар тайёрлаш касб-хунар коллежимиз жамоаси олдида турган энг муҳим вазифа эканлигини доимо ёдда тутамиз.

Муқаддас УМАРБЕКОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Технология касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар

БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАР МАСАЛАСИГА АЙЛАНГАН ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН МУАММОЛАРНИ ЕЧИШ ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШИЛ БАРЧА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЗИММАЛАРИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА ҲИСОБЛанади. СУҲБАТДОШИМИЗ — БЕКТЕМИР ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ РАҲБАРИ МАНСУР ТОЛИБОВ ЖАМОАНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ИШ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР ХУСУСИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

Бандлик

ЯНАДА ЯҚИН БЎЛАМИЗ

— Туманимизда 12 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 30500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Узини ўзи бошқариш органлари раислари билан жамоамиз фаолияти ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатликка асосланган. Босиб, айниқса нозирларимизнинг маҳаллалар аҳолисини рўйхатга олиш билан шуғулланиб, доимий банд бўлмаган аҳолининг қизиқишлари, интилишлари, ижтимоий ҳолатини оқсоқоллар билан мулоқотлар орқали яхши билишлари жуда қўл келади. Ўтказилган мониторинг асосида жорий йил бошидан буён аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми — 500 нафар фуқаролар марказимизга ишга жойлаштириш мақсадида мурожаат этган. Улардан 210 нафарини аёллар ташкил этди. 409 нафар фуқароларга туманимиз ҳудудида жойлашган ва унда фаолият юритаётган ҳамда шахримизнинг бошқа туманларида иш юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларга йўланмалар берилди ва ишга жойлаштирилди. Шулардан 95 нафари аёллар, 3 нафари вояга етмаганлар. 6 ой давомида 14 нафар фуқаролар жамоат ишларига юборилди.

6 ойи давомида 980 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан янги корхоналарни ишга тушириш (34 та); уларни қайта қуриш; кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига (84 та); кичик корхона, микрофирмаларни ташкил этиш (477 та) ҳисобига эришилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар

Жумладан, бош бошқармаимиз тасарруфидagi Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 50 нафар фуқаролар касбга қайта ўқитишга йўланмалар билан юборилди. Уларнинг 42 нафарини аёллар ташкил этди: 10 нафари тикиш-бичиш; 10 нафари гилам махсуслотларини тўқиш; 5 нафари ушбу касбга «Усто-шоғирд» усулида ўқитилди. Қувонарлиси, ҳозирда бошқарма ҳамда ўқув маркази келишувига асосан маҳаллалар ҳудудида «Усто-шоғирд» йўналиши бўйича ўқитишни хоҳловчиларга ойлик маошлари тайинланмоқда. Масалан, «Миришкор» маҳалласида У.Юсупова бошчилигида тикиш-бичиш йўналиши бўйича ўқиш олиб борилмоқда.



Туманимиздан яратилган янги иш жойларига келсак, жорий йилнинг ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони янги ижросини таъминлаб, ҳозирги кун ҳолатига кўра 110 нафар фуқаролар учун касаначилик иш ўринлари яратилди. Масалан, «Мотор заводи» акциядорлик жамияти, «Норуда», «Сувмаш», «Дўстлик-транс-сервис» масъулияти чекланган жамиятларида фуқаролар иш билан таъминланди.

аналарга болаларини тарбиялаш ҳамда меҳнат жараёнини қўшиб олиб бориш имконини берувчи ўзгарувчан жадвалли иш жойларининг яратилган умумий сони 214 тани ташкил этди. Ҳозирда мулкчиликнинг барча турларидаги корхоналарда меҳнат бозорида рақобатлашиш даражаси паст бўлган аҳоли, жумладан ёш болалар аёллар учун иш ўринлари микдорини ажратилиш устидан назоратни кучайтириш ва бундай иш ўринларига бандликка кўмаклашиш марказимиз орқали аёлларни жойлаштириш йўлга қўйилган.

Иш самарадорлигини ошириш ҳамда доимий банд бўлмаган аҳолига яна бир яхши имконият яратиш мақсадида режавий (ҳар чоракка белгиланган) «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларини ташкиллаштирамиз. Жамоамизнинг саъй-ҳаракатлари билан йил бошидан бери 2 марта меҳнат ярмаркалари ўтказдик. Туман ҳокимлиги, маҳаллалар оқсоқоллари, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ярмаркаларга 145 нафар доимий банд бўлмаган фуқаролар жалб қилинди. Улардан 62 нафари аёллар, 81 нафар аҳоли ўз хоҳиш-истаги, касбига кўра ишга жойлаштирилди, улардан 20 нафари аёллар, 1 нафари вояга етмаганлардир. Малакали маслаҳат олганлар 61 нафар бўлса, улардан 30 нафарини аёллар ҳамда 1 нафарини вояга етмаган ўсмир ташкил этди.

Йил охиригача яна иккита меҳнат ярмаркасини ўтказиш режамизга киритилган. Уларга тайёргарлик жараёни аллақачон бошлаб юборилган. Битирувчиларга мўлжалланган ушбу тадбиримизга аввалгилари каби тақлифномалар тайёрланади, катнашчиларга кўргазмалар буклетлар тарқатилиши кўзда тутилган. Мақсадимиз эса Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолига янада яқин мададкор, таянч бўлишдан иборат.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: Бектемир туман бандликка кўмаклашувчи марказ жамоасининг навбатдаги меҳнат ярмаркасида лавҳа

Сўраш, жавоб берамиз

ЛИЦЕНЗИЯ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

МЕН АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМАН. АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУГУЛЛанаётган ФУҚАРОЛАРИНГ АУДИТОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН? ШУ ҲАҚДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГОНОВ, Зоҳид МУҲАММАДЖОНОВ, Собир Раҳимов тумани.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан, лицензия кўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;
- лицензиянинг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;
- агар аудиторлик ташкилоти лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома юборилган (топширилган) пайдан эътиборан 3 ой ичида махсус ваколатли давлат идорасига лицензия берганлик учун давлат бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса.

ҚОНУНДА КЎЗДА ТУТИЛГАНМИ?

ҲАМКАСБИМ МЕН ҲАҚИМДА ТУРЛИ ХИЛ ҲАҚОРАТЛИ ИВБОЛАР ТАРҚАТИБ, АНЧА АСАБУЗАРЛИКЛАРГА САБАБЧИ БЎЛДИ. МЕН УНИНГ БУ ҚИЛМИШИ УЧУН СУДГА БЕРИБ, ЕТКАЗИЛГАН МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ТЎЛАТТИРИШИМ МУМКИНИ?

Ҳолида ҚУРБОНОВА, Мирзо Улуғбек тумани.

Фуқаролик Кодексининг 1021-моддасида маънавий зарарни қоплаш ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага асосан, маънавий зарар уни етказувчининг айби билан бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади, ушбу модданиннг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қопланади:


- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;
- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф равишда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;
- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маънавий зарар қопланади.

Маънавий зарар тўланадиган лозим бўлган мулкый зарардан қатъи назар қопланади.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

- Британиянинг барча клуб, ресторан, бар ва шу каби жамоат жойларида чекиш ман этилди. Мамлакат парламенти депутатлари бу қарорни бир овоздан маъқуллади. Кўрсатилган жойларда сигарет чекиш энди 2500 фунт стерлинг миқдоридagi жарима билан жазоланади. Агар чекиш ман этилган жойларда таъқиқловчи белгилар ўрнатилмаган бўлса, муассаса 200 фунт стерлинг жарима миқдорини ошириш тўғрисида мамлакатда баҳс-мунозаралар бормоқда.
- Хитойдаги «Хитой» компаниясида ишлаб чиқарилиб, Германиянинг Ганновер шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада намоийш этилган «Қалам-телефон» кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Компания қаламга ўрнатилган бу уяли телефонни уч диапазонли қилиб ишлаб чиқарди. Қаламда ёзилган ҳар бир сўз уяли телефоннинг махсус мосламасига ёзилиб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, бу гаройиб ускунаниннг келажаги бор.
- Бир неча кундирки, Рим полицияси шаҳар кўчаларида қора пантераниннг изига тушган. Гап шундаки, турли даҳаларда яшовчилар полиция идорасига кўнгирок қилиб йирик қора пантерани кўришганини маълум қилишмоқда. Пантера овиға ҳатто вертолёт ҳам жалб этилган, бироқ қидирувлар самарасиз кетмоқда. Бундай ҳол Италия шаҳарларида биринчи бор кузатилаётгани йўқ. Бундан тўрт йил аввал ҳам Флоренцияда гайритабиий пантера пайдо бўлиб, яна изсида йўқолган. Орадан бир неча кун ўтиб «шарпа» Тосканида кўзга ташланиб қолган, ҳатто уни видеотасмага туширишга муваффақ бўлишган. Уни қўлга ололмоқчи бўлишганда эса, қорасини ҳам кўрсатмаган.
- Финляндиянинг «Nokia» компанияси ва Япониянинг «Sanyo» концерни CDMA андозасида ишлайдиган уяли телефонлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этажаклари ҳақида хабар тарқатишди. Экспертларнинг фикрига кўра, янги қўшма корхона аввало Америка бозорига мўлжалланмоқда. Чунки у ерда CDMA андозаси ниҳоятда кенг тарқалган. «Sanyo» билан ҳамкорлик ҳозирги пайтда Европаниннг мобил телефонлари бозорига етакчилик қилаётган Nokia компаниясига бошқа бозорларда ҳам ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.
- Англиянинг Кент графлигидаги депозитор марказида 23 миллион фунт стерлинг (44 миллион доллар)лик ўғрилик содир этилди. Марказ директорининг оиласини гаровга олган номалум шахслар Securitas инкасаторлик фирмасига олти нафар шерикларини юборди. Қуролланган қароқчилар фирманиннг депозитор марказини «тозалаб» кетишди. Йўқотилган пулларни айтмаганда, бошқинчиликдан ҳеч ким жиддий жароҳат олмаган. Графликда юз берган бу ўғирлик Европа тарихида содир этилган йирик жиноятлардан бири бўлиши мумкин. Жиноятчилар шу қадар профессионал тайёргарлик кўришганки, полиция уларнинг изига тушолмапти.
- Кейинги бир неча йил мобайнида эгизак ёки бир йўла учта чақалоқ туғилаётган оилалар сони икки баравар кўпайиб кетди, деб хабар тарқатди Хитой газеталари. Оммавий ахборот воситаларининг фикрига кўра, бундай мўъжизани соддагина қилиб изоҳлаш мумкин. Хитой аёллари биттадан ортик фарзанд туғишни таъқиқлайдиган қонунни четлаб ўтиш учун махсус дори қабул қилмоқдалар. Кўпчилик аёллар бепушликни даволаш учун доридан фойдалансалар, баъзилар эгизак ёки бир йўла учта бола туғиш учун уни истеъмол қилишади. Газеталарнинг бирини ёзилишича, 2005 йилда Нанкин вилоятидаги битта касалхонада 90 маротаба эгизак туғилган, бундан аввал эгизаклар туғилиши йилга 20 тадан ошмасди.
- Америкалик таникли ёзувчи Питер Бенчли китобхонларга яхши таниш. Унинг «Жағлар» асарини асосида тайёрланган Стивен Спилбергининг шу номли фильми ҳаммага маълум. 65 ёшли ёзувчининг рафиқаси Уэндиннинг айтишича, Бенчли ҳаётлигида ўзини ақулар кушандаси ҳисоблаб келган. Унинг «Жағлар» асарига ақулардан шу қадар даҳшатли қилиб тасвирланадики, уни қўнган одамда бу жониворлар тўғрисида салбий тасаввур уйғонади. Бенчли ҳаётининг охириги йилларида бу асарни бекорга ёзмаганини айтиб, ақуларни ҳимоя қилувчи ташкилот аъзоси бўлган эди. «Ақулар ажайиб жониворлардир. Миллион йиллик даврлар оша улар бизнинг қунгача етиб келди. Шундай экан, уларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймайлик», деган эди Бенчли.
- Америкалик ҳаваскор миллионер учувчи Стив Фоссет авиация тарихида янги рекорд ўрнатди. У 1986 йил Дик Рутан томонидан ўрнатилган 40 минг километр узоқликдаги рекорд парвозини орда қолдирди. Фоссет 80 соат ҳавода бўлиб, 41 минг 860 километр масофани минни самолётга босиб ўтди. Самолёт ёқилги бакида юзага келган кичик носозлик ҳам миллионер Фоссетнинг олдиға қўйган мақсадини қайтаролмади.
- Хиндистонда 19 ёшли йигитча одобсизлиги учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинди. Рачкумар Шарма 9 долларлик буюмини ўғирлагани учун қўлга олинган. Мумбай судида майда ўғри Шарма ўзига ўзи ҳукм чиқариб қўя қолди. У оёғидagi қовушини ечиб, судьяга отиб юборди. Бундай ҳурматсизликдан жahl қиққан судья ўғрини бутун умр қамоқда ўтиришга ҳукм қилди. Тўғрида, судья билан ҳазиллашиб бўладими?
- Янги Деҳлидан Арага қатнайдиغان сўнгги моделдаги соатига 150 километргача юрадиган экспресс поезд йўлга қикди. Янги поезд йўловчиларни Хиндистон пойтахтидан ўзининг меъморий дурдонаси — Тожмаҳал мақбараси билан бутун оламга машхур Арага бор-йўғи икки соатда элтиб қўяди. Хиндистоннинг ўзида қурилган бу экспресс мавжуд немис модели асосида ишлаб чиқилган ва кўп қулайликларга эга. Унинг тормоз тизмини аввалги электровозларникига нисбатан пухтарок, шунингдек, махсус буфер тўсиғи ҳам ўрнатилган бўлиб, у фожеа оқибатларини ҳам қамайтиришга қодирдир. Яна бир хусусияти шундаки, экспрессда доимий равишда буфет ишлаб туради. Хиндистон поездларида бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Күешнинг ботиши бедорликни ўлдирувчидир.

Хилват ёрдам эмас, ағёрдан қочиш учун қилинади.

Нур кўпайса, йўл пайдо бўлади.

Қарғалар гулшанга чодир қурганларида булбуллар жим қолиб, бу ҳолга тан бердилар.

Нафс бошқа нафс билан ҳамдам бўлса, қоронғилик кўпаяди, йўл эса пинҳон бўлади.

Баҳор оҳиста хушхабар билан келади.

Юлдузларнинг ҳар бири ойнанинг қисмларидир.

Буткул оламни, эй ўғил, кўза деб билгин — у чиройли илм билан қирғоғига ча тўла.

Агар ҳасади йўқ одамга макру ҳасад қилсанг, Бу ҳасаддан дилиннга қоралиқлар етади.

Хазина ва тилла учун уйни вайрон қилиб, ўша хазинадан уйни янада обод этади.

Бу пасткаш номини мунофиқ деб атасанг, чаённинг нишидек ичига қадалади.

Тилнинг харидори қулоқдан ўзга эмас.

Қамиш ноласининг таъсири бўлмаса эди, қамиш жаҳонни шакарга тўлдирармиди?

Саъй қил йўл бўлса-да то қайгача, Фориғ ўлма бир дам охир дамгача.

...дунё ишлари бежиз эмас.

Беадаб бир ўзни солмас чоғга, Балки ўт кўйгай бутун офоққа.

Ҳар не зулмат, гусса солса сенга дом, Бул сенинг густоҳлигингандир тамом.

Ул қаламқим, мохир эрди ончунон, Ишққа етгач, лол бўлди бегумон.

Гар уруғ ер остида — пинҳонадир, Сирри онинг ям-яшил бўстондадир.

Қанча сершоҳ бўлмасин дову дарахт, Теша қўрқмас — қилгай они лахт-лахт.

Кимса гар бир кимсанинг айбин кўрар, Ул жаҳаннам ўтига юзин бурар.

Бул сабабни ул сабаб келтиргуси, Бесабаб қай бир сабаб келмиш ўзи?

Пок зотлар-чун ажал боди азал, Бўлди хуш гулзор насимидек гўзал.


Айтди носихларким, ҳаддан ошмагил, Зулм тулпориди чандон шошмагил.

Васл истар оқибат восил бўлур.


Шукрсизлик энг тубан бир ҳолдир, Шукрсизнинг жойи қаъри нордир.

Касби дунёда макр душвордир, Тарки дунёда макр даркордир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



«Камолот»



Шаҳримизнинг сўлим гўшалари.

ЮКСАК ИШОНЧ — ЁШЛАРГА ҚАНОТ

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, ОНА-ЮРТИГА САДОҚАТЛИ, ФИДОЙИ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БУГУНГИ КУНДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЛОЗИМ. ЁШЛАРНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ БЎЛИШ МАҚСАДИДА 2001 ЙИЛ 14 МАЙ КУНИ ТАШКИЛ ТОПГАН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ҲАМ БУГҮН ЮҚОРИДА АЙТИБ ЎТИЛГАН МАҚСАД ЙЎЛИДА МИНГЛАБ ЁШЛАРНИ ЎЗ АТРОФИГА БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Тумандаги 4 та олий ўқув юрти, 15 та касб-хунар коллежлари, 36 та мактабларнинг барчасида ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларда ҳар жиҳатдан самарали иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари тумандаги умумий 60 га яқин саннат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналаридаги бошланғич ташкилотлар, талабалар шахарчасидаги Етакчилар кенгаши ҳам ўз самарасини бермоқда.

— «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий университети,

Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат тиббиёт академияси билан қабул қилинган қўшма қорғоғи мувофиқ ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, турли қизиқарли кўрик-танлов, учрашув, давра суҳбати ва тадбирларни ўтказиб келмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими раиси вазифасини бажарувчи Ҳабиба Мухамедова. — Албатта уларда талаба-ўқувчиларнинг муаммо ва камчиликлари ечимини топиш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, ўқиш ва яхши

дам олишлари учун шарт-шароитларни имкон қадар яхшилаш масалалари ўз аксини топмоқда. Маълумки, ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари, спорт билан мунтазам шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам асосий масалалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам талабалар орасида спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ўтказилаётган «Универсиада» мусобақалари, турли қизиқарли беллашув ва кўриктанловлар ўз муҳлисларини топиб, қатнашчилар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, нафақат ёшлар, балки катталар ҳам туманда қад ростилаган бири биридан гўзал спорт комплекслари, талабаларнинг замонавий турар жойлари ҳудудидagi спорт майдонлари, сув спорти саройидаги шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланиб келмоқдалар.

Шунингдек, туманда 2002 йилда «Посбон» маркази ташкил этилган бўлиб, ун-

дан туман маҳаллаларидаги маҳалла эрдорларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ақидапарастлик ҳар хил номаъқулдний йўналишларга адашиб кириб қошларнинг олдини олиш, шунинг баробарида маҳалла хавфсизлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар кўзланган эди. Бу йўлда «Энг яхши маҳалла сардори», Энг яхши маҳалла посбони» кўрик-танловлари ташкил этилди. Туманда олиб бориётган бир қанча бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари маҳалла, мактаб, коллеж ва лицейлардаги барча ёшлар жалб этилишига ҳаққат қилинади. Бир сўз билан айтадиган бўсак, «Камолот» ЁИХ ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб бериш, ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш, давла билан ёшлар ўртасида кўприк вазифани бажариш йўлида иш олиб бормоқда.

Зеро, Юртбошимиз ҳам ташкилотнинг ташкил топишида: «Камолот» ёшларнинг чинакам суянчи ва танчи бўлиши», деган яхши ниятни билдирган эдилар, биз ҳаммиша ушбу мақсад, хиш тилакка муносиб бўлишга, давлатимиз раҳбарининг бизга билдирган втта ишончларини оқлашга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт

СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.

Ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, мамлакатимизда «Болалар спортини ривожлантириш» дастурида

белгиланган вазифаларни татбиқ этиш бўйича кенг миқёсда турли спорт мусобақалари, танловлар ўтказиб келинмоқда. Бу борада кейинги йилларда бунёд этилган бир қатор спорт комплекслари ёшларнинг севимли масканига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Жумладан Мирзо Улугбек туманида 2006 йил январдан ўз фаолиятини бошла-

ган Аҳмад Югнакий номли болалар спорт мажмуаси ҳам бугунги кунда спортга ошно бўлган ёшлар билан гавжум. Барча шарт-шароитларга эга мажмуада болалар учун бадний гимнастика, волейбол, гандбол, кўл тўпи, кураш, футбол, мини футбол, шахмат-шапка, қилиқбозлик сингари секциялар мунтазам фаолият олиб бормоқда. Бир кунда ҳар

бир секцияда 20 нафарга яқин болалар ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланадилар. Мазкур секцияларда ёшларга тажрибали спорт усталари машгулот ўтиб, спортнинг ёшларнинг саломатликлари учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам тушунтириб борадилар. Ҳозир айни ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида мажмуада эрталабдан то кенгача 100-150 нафар бола спорт билан шуғулланмоқда. Бу ерда шунингдек турли хил спорт мусобақалар, мунтазам ўтказилиб, голиб ўқувчилар Фаҳрий

ёрлиқлар билан тақдирландилар. Шунинг ҳам айтиш қрак, Ижтимоий ҳимоя йилида таъми муада кам таъминланган ишла фарзандлари учун бепул ишгулотларда қатнашиш икони яратилган. Туманда ёшларни жисмоний соғломлаштириш, спортга қалб этиш бўйича олиб бориладиган ишлар таҳсинга сазовор эсақ адашмаймиз. Зеро, музқил Ўзбекистонимиз келажини мана шундай ҳар томонлама соғлом ва бақувват, кмил ёшлар бунёд этадилар.

Дилором ИКРОВОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 30 август куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулкни кўйимокда:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2005 йил 10 октябрдаги 0518/5181-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Яқасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «SHOABOS» МЧЖга тегишли Блок-1 (112 кв.м.) Блок-2 (304 кв.м.), Блок-3 (72 кв.м.), Блок-4 (27 кв.м.), Блок-5 (46 кв.м.) Блок-6 (205 кв.м.)лардан ташкил топган қурилиши тугалланмаган бинолар ва шийпон. **Бошланғич баҳоси — 26 460 505 сўм.**

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 17 август куни соат 11.00 да «Ўзбекистон банклари ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулкларни қайтадан кўйимокда. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 20 мартдаги 9215/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Карвон Шароб Савдо» ШКга тегишли Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилда сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР060 бўлган «ГА3-5312» рессумли автотранспорт воситаси қайтадан кўйилади. **Бошланғич баҳоси — 2 573 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2467-68/3 сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси, Жанубий саннат зонасида жойлашган ва «TEXNO-SERA» МЧЖга тегишли, ум.майд. 10 678 кв.м. дан ташкил топган 2 қаватли база биноси ва Блок-А, Блок-Б, Блок-В, Блок-Г, Блок-Д. Блок-Е дан ташкил топган биноларни савдоларга чиқаради. **Бошланғич баҳоси — 434 663 307 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориди зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчма мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 21 декабрдаги 10-0611/8770-сонли аҳримига асосан банкрот деб эълон қилинган ва «Roll Press» МЧЖ кредиторларининг 2007 йил 26 июндаги йиғилиш қарорига кўра, «Roll Press» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Сағбон 10-тор кўчаси, 96-А-уй манзилида жой-

лашган «Roll Press» МЧЖнинг мулкий мажмуаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 457 843 000 сўм. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 7 июлдаги 135-сониди хабарнома чоп этилсин.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўраз-

боев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 хисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил:

Республика Кўчмас мулк биржаси. Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефон: 228-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёқ: «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 11.2

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606